


Шайхонтоҳур туман
Ободонлаштириш
бошқармасининг
2022 йил «28» январдаги
1-сон буйруғига
2-илова

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Шайхонтоҳур туман
Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиги
Б.Г.Гайбуллаев



ТАНЛОВ иштирокчиларини баҳолаш МЕЗОНИ

Мазкур Мезон Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (АВ 26.05.2018 йил 3016-сон) га асосан ишлаб чиқилган.

I. Умумий қоидалар

Баҳолаш мезони Шайхонтоҳур тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Танловга қўйилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни бажариш мақсадида иштирок этиш истагини билдирган муносиб номзодларни танлаб олишни белгилайди.

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб топиладиган харид қилиш тартиб-таомилини амалга оширишнинг тури тушинилади.

Далат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва танлов ҳужжатларини жойлаштириш орқали чекланмаган доирадаги шахсларга маълум қилинади.

Номзодлар ҳужжатларни давлат тилида (Ўзбек тилида) топширишлари тавсия этилади.

Танлов буюртмачи ташкилотнинг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ободонлаштириш бошқармаси биносидан (Мужрим Обид кўчаси 86-уйда) ўтказилади.

Таклифлар солинган конвертларни очишда қатнашиш истагини билдирган танлов иштирокчилари ёки уларнинг ваколатли вакиллари (ишончнома асосида) ҳозирлигида кўрсатилган манзилда, эълон муддати тугаган кунининг эртаси куни соат 11:00 да ўтказилади.

Карантин қоидалари кучайтирилган ҳолларда ёки шунга ўхшаш фавқулотда вазятларда масофавий тарзда ўтказилиши, бунда ZOOM дастурининг ссылкаси телеграм орқали етказилади, телеграм рақами бермаган иштирокчиларга қўшимча маълумотлар етказилмаганлиги бўйича маъсулият талабгор зиммасида бўлади.

Танлов иштирокчиларини ҳозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштироки ҳақида гувоҳлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини қўйишлари керак.

Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди.

Тақдим этилган таклифларнинг очилгунга қадар бутлиги учун жавобгарлик танлов ташкилотчиси зиммасида бўлади.

Таклифларни баҳолаш даври танлов таклифлари очилган кундан эътиборан 3 кун ичида ташкил этилади.

Танлов комиссияси таклифлар бўйича тақдим этилган конвертларни очади, таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчиларининг малакасини баҳолашни амалга оширади.

Шунингдек, малака баҳоланганидан сўнг тақдим этилган ҳужжат ва белгиланган талаблар доирасида ғолибни аниқлайди ёки бошқа қарорларни қабул қилади.

Танлов комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Малакани баҳолаш ва якуний баҳолаш танлов комиссияси тасдиқлаган ва ушбу йўриқноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

Танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилари тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолларда, танлов комиссияси ушбу танлов таклифини рад қилишга ҳақли.

Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

Танлов комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

Танловга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

Танлов комиссияси танлов таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига танлов комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультантлар (танлов комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. (Экспертлар жалб этилганда хулоса бир ой муддатда хулоса эълон қилинади) Баҳолаш гуруҳларининг аъзолари танлов комиссияси аъзолари каби танловни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур танлов

ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

II. Танлов номзодлари томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжат ва талаблар

1. Тижорат таклифи;
 2. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати. (Устав, гувоҳнома, ДСИ маълумотномаси ҚҚС тўловчи ёки умумий...) Картатека-2,
 3. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.
 4. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.
 5. Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар бўйича кўрсаткичлари.
 6. Кафолат маблағлари тўланганлиги тўғрисида маълумотлар (тўлов топшириқномасидан нусха), маблағ танлов суммасининг фоизи миқдориди амалга оширилади.
 7. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йилликда амалга оширилган ишлари ва иш тажрибаси,
 8. Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган махсус техника, машина ва механизмлари рўйхати.
 9. Танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.
 10. Таъмирлаш ишлари олиб борилиши лозим бўлган майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумот ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар.
 11. Танлов иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг "Qurilish-pudrat tashkilotlari electron reytingi" баҳолаш дастурига қаралишини таъкидлаб ўтамыза.
 12. Таъмирлаш ишларининг якунлаш муддатини кўрсатган ҳолада уни сифатини кафолатлаш талаб этилади.
- Иштирокчилар юқорида келтирилган ҳужжат ва талаблар бўйича тегишли маълумотларни конвертда ёпиқ-муҳрланган ҳолатда кузатув хати билан тақдим этишлари лозим.

Ҳолатга кўра Эксперт ва консултатлар таклиф этилиши мумкин. Таклиф этилган эксперт ва консултантлар (танлов комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. Танлов комиссияси аъзолари танловни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур танлов ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

Кейинги босқичга рухсат этилган номзодларнинг тақдим этган ҳужжатлари қўйидаги тартибда баҳоланади.

III. Танлов таклифлари, молиявий қисмини баҳолаш Мезонлари

T/p	Иловаларни баҳолаш параметрларининг номи	Баллар миқдори	Танлов иштирокчилари
-----	--	----------------	----------------------

I. Таклиф этилаётган нарх. 1-илова (35 балл)						
1.	Буюртмачининг бошланғич нархи — 10 балл, таклиф этилган (хақиқатда бажариш мумкин бўлган) энг паст нархи — 35 балл. Таклифлар бўйича бошланғич ва энг паст нархлар ўртасидаги баллар математик ҳисоблаш билан аниқланади. Танлов иштирокчиларининг буюртмачининг бошланғич нархидан юқори таклифлари рад этилади.	10 — 35				
II. Таъмирлаш ишларини якунлашни таклиф этилаётган муддати. 2-илова (5 балл)						
1.	Ижро муддати танлов ҳужжатларида белгиланганга мос ёки кам.	5				
2.	Танлов ҳужжатларида белгиланган ижро муддатидан ортган ҳар 3 кун учун 1 балл олиб ташланади, лекин 5 баллдан ортиқ эмас.	1 — 5				
III. Танлов таклифларининг баҳолаш варағи (техник баҳолаш). (60 балл)						
1.	Танлов таклифларини техник баҳолаш якунига кўра энг кўп балл тўплаган танлов иштирокчисига — 60 балл; Йиғма жилдларни очилишигача киритилган ва танлов таклифларини техник баҳолаш якунига кўра ўтиш бали билан тенг тўплаган танлов иштирокчисига — 45 балл; қолган таклифлар бўйича қушиш йўли билан аниқланади.	45 — 60				
IV. Танлов таклифларини баҳолашнинг якуний жадвали						
Т/р	Параметр номи	Иловалар	Максимал баллар	Танлов иштирокчилари		
1.	Таклиф этилаётган нарх	1-илова	35			
2.	Таъмирлаш ишлари якунлашни таклиф этилаётган муддати	1-илова	5			
3.	Йиғма жилдни баҳолаш бўйича баллар миқдори	Танлов таклифларини баҳолаш варағи (техник баҳолаш)	60			
Жами баллар			100			

IV. Танлов ғолибини эълон қилиш

Танлов ўтказиладиган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ғолиб д.харид сайтига киритиш орқали эълон қилинади.

Эътироз ва шикоятлар танловни ташкиллаштириш ва ўтказилиш тартибига доир бўлса, танлов ўтказилган кундан 3 (уч) иш кунигача, Комиссия ҳулосасига эса танлов ғолиби эълон қилинган кундан 5 (иш куни) ичида ёзма равишда тақдим этилади. Белгиланган муддатларга риоя этмаган ҳолларда шикоят ва эътирозлар кўриб чиқилмайди.

Мурожаат учун тел: 94 441 8153